

**O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
Islomshunoslik va islom sivilizasiyasini o‘rganish  
ICESCO kafedrası**

**GLOBALLASHUV JARAYONIDA ISLOMNI TUSHUNISH  
MUAMMOLARI**

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari**

**TO‘PLAMI**

**IV**

**Toshkent - 2024**

Globallashuv jarayonida islomni tushunish muammolari: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. IV. – Toshkent: 2024 y.

**Mas'ul muharrirlar**

**PhD U.T.G'afurov, Fil.f.d., prof. Z.M.Islomov,  
yu.f.d (DSc), prof. N.Yusupova**

**Tahrir hay'ati a'zolari:**

t.f.d. (DSc), prof. I.Bekmirzaev, PhD, dos. M. Haydarov, t.f.n., dos. D.Rahimjonov, t.f.n., dos. M.Ismoilov, PhD dos. H.Sagdiev, t.f.n., dos. D.Muratov, o'qituvchi A.Qambarov, PhD O'.Polvonov, PhD N.To'raev, PhD S.Saidjalolov, PhD M.Agzamova, PhD N.Hakimova, PhD N.To'ychieva, PhD J.Sodiqov, katta o'qituvchi Sh.Umaraliev, PhD B.Ahmedov, PhD Ahmad Sa'd Damanhuriy

**Tuzuvchi:**

t.f.n., dos. D.Rahimjonov

O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovasiyalar vazirligining "O'zbekiston Respublikasida 2024 yilda xalqaro va respublika miqyosida o'tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi to'g'risida"gi 2024 yil 18 yanvardagi 16-son buyrug'i va O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi rektorining 2024 yil 27 fevraldagi "Akademiya 2024 yil xalqaro va respublika miqyosida o'tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlarni tashkil etish to'g'risida"gi 01-26-sonli buyrug'i ijrosini ta'minlash maqsadida 2024 yil 24 mayda O'zbekiston xalqaro islom akademiyasida "**Globallashuv jarayonida islomni tushunish muammolari**" mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o'tkazildi.

Mazkur to'plam ushbu anjuman materiallarini o'z ichiga olgan.

To'plamga kiritilgan materiallarda keltirilgan fakt, raqam, ma'lumotlar va ularning originalligi uchun mualliflarning shaxsan o'zlari mas'uldirlar.

O'zbekiston Respublikasi Din ishlari bo'yicha qo'mitasining 30.05.2024 sanadagi 3247-son xulosasiga asosida tayyorlandi.

During the Umayyad realm, above 20 peace treaties were signed between the major cities of Transoxiana<sup>1037</sup>, while the agreement reached twice between Nasr ibn Sayyar and Shaybân, as well as Ali ibn Judat and Abu Muslim. Only once Nasr ibn Sa'ayer and Abu Muslim agreed to fight within 748/130 years. During the last 30 years of the Umayyads, due to the empowering the Abbasid propaganda, the envoys' trips, diplomatic correspondences and couriers' activities were intensified.

The study on diplomatic relations and correspondences of Umayyad Dynasty with Transoxiana, revealed that the following issues were organized during that period: the insurance of safety and life security; the nomination of governor's badge; the delivery of tributes and getting assigned with new tasks; the request for military support and providing military instructions; a new religion promotion; the advocacy of the Abbasid teaching; personal pardon; proposals of political advice on governing local areas; warnings against potential dangers; legacy; objections to ruling policy.

---

**Джураева Санабар Нурматовна,**  
тарих фанлари доктори.

Ўзбекистон Миллий университети.

Тел: +998942091976 E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru

### **ЎЗБЕКИСТОНДА МУҚАДДАС ЖОЙЛАРГА ЗИЁРАТ МАСАЛАСИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ**

Жаҳон тамаддунининг ажралмас қисми ҳисобланган Марказий Осиё халқлари диний-маънавий ҳаётида ибодат ва диний эътиқод масаласини, жумладан, зиёратгоҳларни тарихий ракурсда тадқиқот объекти сифатида ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида дин билан боғлиқ анъана, урф-одат, маросим ва байрамлар кишилар турмуш тарзининг ўзига хос ҳодисаси сифатида намоён бўлади. Ўзбек халқи турмуш тарзида ҳам тарихий минг йилликлар давомида ўз миллий ва диний урф-одат, расм-русумлар билан боғлиқ анъаналар сақланиб қолган. Ана шундай қадриятлардан бири муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш одати ҳисобланади.

Француз олими Д.Сурдель исломдаги муқаддас культларда ибодат, зиёратгоҳлар ва уларга ташриф масаласида фикр билдириб, диний ритуаллар авлиёларни улуғлаш маҳаллий шомонлик анъаналари билан интеграциялашганини, бу янгилик халқлар орасида тарқалиб кетгандан сўнг каноник амалиёт сифатида қабул қилинганини таъкидлайди<sup>1038</sup>.

Ҳозирги кунга қадар турли дин уламолари орасида авлиёларни улуғлашни ижобий ёки салбий баҳолайдиган қарашлар илгари сурилади, бироқ бошқа томондан зиёратга бориш маҳаллий аҳолининг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим саналади. Шу маънода, айнан Ўзбекистон мисолида

---

<sup>1037</sup> Bukhara, Samarkand, Termez, Khorezm, Nasaf, Kesh, Tokariston, Badgis, Poykand, Romiton, Soghd, Sijiston, Jurjon, Ushtrushon and Shosh.

<sup>1038</sup> Доминик Сурдель. Ислам. Перевод с французского. -Москва, 2004. - С.70.

зиёрат объектларига ташриф давомида унинг регуляторлик, воситачилик, даволовчи ва коммуникация функциясини кўриш мумкин.

И.Голдциернинг фикрига кўра, эски эътиқоднинг баъзи шакллари динга кириб бориши учун ибодат муҳим саналган. Мусулмон аҳолиси илгари кўп ҳудудлик эътиқодига риоя қилган мамлакатлар ва ерларни забт этар экан, бу динларнинг турли унсурлари исломга кириб келганини ва қўшилиб кетганини таъкидласа, М.Б.Пиотровский эса муқаддас култ зиёрати одамларнинг эътиқодлари, қадимги урф-одатлари ва маросимларини бирлаштирганини қайд этади. Бироқ у каноник эмас, анъанавий исломда, Аллоҳга шафоат қилувчиларни улуғлаш тўғрисида догмалар тарқатилганини айтади. "Халқ исломи" да бундай ҳимоячилар "валий" деб номланган. Валий култи исломдан олдинги сақланиб қолган шомонлик эътиқодларига тегишли эканини таъкидлайди<sup>1039</sup>.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, олимлар томонидан зиёрат объектларининг пайдо бўлиши тўғрисида турли фикр-мулоҳазалар билдирилсада, маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёратгоҳлар рухий-психологик покланиш муҳим феномен сифатида ва маънавий-маърифий вазифани бажаришда давом этади.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида зиёратгоҳлар масаласини ўрганган М.М. Тастанбеков тадқиқотларида, минтақада зиёрат қилиш анъанаси исломдан анча олдин шаклланганини келтириб, ўзларини мусулмон деб атаган кўчманчи халқ ҳаётида ибодат элементлари диний онгнинг бир қисми сифатида сақлаб қолингани, бу кўчманчи ва мусулмонларнинг диний эътиқоди "folk Islam" (халқ исломи) симбиозининг мавжудлигини англатиши, шунинг учун "муқаддас жойлар", зиёрат амали ва урф-одатлар орқали амалга ошириш рад этилмаётгани айтилади<sup>1040</sup>.

Мазкур масалада совет этнографи В.Басилов уни қуйидагича баҳолаб, мазкур култ (зиёрат ибодати) ёрдамида ўлкада исломгача бўлган эътиқод ва маросимлар ислом динига мослаштирилгани ва бу унинг янги ҳудудларга тарқалиш имкониятини берганини қайд этади<sup>1041</sup>.

Таъкидлаш лозимки, "муқаддас жойлар"га зиёрат масаласининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалишида сўфийлик<sup>1042</sup> ҳам муҳим роль ўйнади. Бу ҳақда В.В.Бартольднинг келтиришича, Куръонда расмий таъқиқ бўлганига қарамай (авлиёлар мазорига ташриф С.Ж), сўфийлик исломдан олдинги диний таълимотга яқинроқ ҳисобланади<sup>1043</sup>.

Ибн Баттутанинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз-авлиёларнинг қабрлари учрайди. Бу шаҳарлардаги авлиёларнинг

<sup>1039</sup> Pitrovsky M.B. Islam belief and a way of life // Islam. Short directory. M., 1983.-Pp. 45.

<sup>1040</sup> Tastanbekov M.M., Dinashava L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89.-2013. - Pp. 667-675.

<sup>1041</sup> Басилов В.Н. Култ святых в исламе. Москва, 1970. – Б. 61.

<sup>1042</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., Наука. 1965. -521 с.; Кныш А.Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки. Москва, 1991. - С.153.; Arberry A. J. Sufism. An Account of the Mystics of Islam. This edition first published by Routledge New York NY. 2008. pp. 142.

<sup>1043</sup> Бартольд В.В. Ислам. Соч. Т.6., Москва, 1966. – С. 115.

қабрларига бутун ислом оламида зиёратчилар келиб туради. Шу билан бирга, баъзи шаҳарларда фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг қабрлари ҳам борлиги айтиб ўтилади<sup>1044</sup>.

Этнолог тадқиқотчи С.Н.Абашин ҳам ўз тадқиқотларида буни тасдиқлаб, Марказий Осиёда сўфийлик авлиёлар культининг шаклланишига ҳисса қўшган омил эканлигини келтиради. Яъни ўзининг тақвоси, чуқур билими билан машҳур бўлган сўфийлар (муршид, шайх, пир, эшонлар) ҳаёти давомида ёки вафотидан кейин авлиё сифатида ҳурматга сазовор бўлиб, уларнинг қабрлари диний объектга айланди<sup>1045</sup>. Шу тариқа сўфийлар томонидан авлиёларни улуғлаш ижтимоий ҳаётда мустақкам ўрнашганлигини қайд этади.

Бундан кўринадики, сўфийлик тариқатлари гуллаб-яшнаган даврда, исломда “ширк” ҳисобланган азиз авлиёларнинг қадамжолари, мазорларини зиёрат қилиш кучайган. Шу билан бирга, исломдан аввалги қадимий эътиқодлардан қолган муқаддас ерларни эъзозлаш ҳам урфга кирди. Бу ислом динидан аввалги урф-одатларнинг қолдиғи сақланиб, янгича тус олганлигини кўрсатади.

Шунингдек, тадқиқотчи А.В.Сызранов ҳам бу масалада фикр билдириб, Астрахан ҳудудида мусулмон авлиёлари ва уларнинг зиёрат объектлари ўрта асрларда Ўрта Осиё сўфийлик мактаби анъаналарининг кучли таъсири остида шаклланишини қайд этса<sup>1046</sup>, тадқиқотчи В.Литвинов, Туркистон мусулмонларининг “муқаддас жойларга”, зиёрат объектларини улуғлашни исломнинг “Туркистон модели”, деб номлайди<sup>1047</sup>. Мазкур тадқиқот натижалари Марказий Осиёда зиёрат культининг шаклланишида сўфийлик анъаналари элементи муҳим рол ўйнаганлигини кўрсатади.

Хоразм ўзбеклари маҳаллий аҳолиси ҳаётидаги зиёрат масканлари ҳисобланган мазорларни ўрганган дастлабки совет этнографи С.П. Снесарев мазорларнинг исмлари билан боғлиқ бўлган авлиёлар ҳақидаги тарих асосида уларнинг 4 та асосий турини ажратиб кўрсатади:

- а) “азиз авлиёлар”, уларнинг шакл-шамойили аниқланмаган ва ҳатто уларнинг ҳаёти ҳамда ўзига хос исмлари ҳақида ҳам маълумот йўқ;
- б) “Бошқа динлар билан боғлиқ шахслар”, мазкур гуруҳга авлиёлар, исломнинг дастлабки тарихига доир қаҳрамонлари киритилган;
- с) авлиёлар, ўрта асрда машҳур бўлган ҳамда маҳаллий сўфийлар;
- д) “маҳаллий ҳокимият вакиллари”, улардан баъзиларининг мақбаралари одатда ибодат объектига айланган”лиги<sup>1048</sup> келтирилади.

Олим А.Раҳмонов ўз тадқиқотида, диний афсоналарга асосланиб, Хоразм зиёратгоҳлари мисолида, уларни “муқаддас” жойлар, мазор, мақбара,

<sup>1044</sup> Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. Тошкент: Шарк машъали, 1993. – Б. 52-53.

<sup>1045</sup> Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2001. № 2. - С. 128-131;

<sup>1046</sup> Сызранов А.В. Культ мусульманских святых в Астраханском крае // Этнографическое обозрение. 2006. №2. - С. 127-143.

<sup>1047</sup> Литвинов В.П. «Святые места» мусульман Туркестана как центры антироссийской деятельности турецкой агентуры (вторая половина XIX- начало XX в.) // Вестник РУДН. Серия: История России. Том 15, №2, 2016. - С. 45-54.

<sup>1048</sup> Снесарев С.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва, 1969. – С. 11.

“муқаддас”лаштирилган туз кони ва шифобахш булоқлар каби турларга ажратади<sup>1049</sup>.

Совет йилларидан фарқ қилган ҳолда, мустақиллик йилларида аҳолининг миллий-диний қадриятларининг қайта тикланиши билан муқаддас ҳисобланган қадамжолар ва зиёратгоҳлар фаолияти қайта тикланди. Халқ муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни нопок қилмишлардан узоқ юришга, инсофли, диёнатли бўлишга чақириши, ўзидан фақат яхшилик қолдириш, хайрли ишларга чорлаши билан аҳоли орасида олийжаноблик туйғуларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ҳудудида зиёрат қилинадиган тарихий обидаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: биринчиси, ислом оламида юксак маънавий мерос қолдирган буюк уламоларимиз номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар бўлса, иккинчиси, мўъжизавий кароматлари ва башоратлари билан халқ орасида муқаддас ҳисобланган афсонага айланган шахслар, яъни саҳобалар, пайғамбар авлодлари, шайхлар, валийлар ва сўфийларнинг номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида муқаддас зиёратгоҳлар саналган бундай масканлар сони мингдан ортиқ бўлиб, улар кўпчиликка маълум. Ўзбекистонда маданий мерос объектларининг ҳолати ва архитектурасини тадқиқ қилган тадқиқотчи Р. Абраев республикада 10 мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар борлигини қайд этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, зиёратларга муносабат турличалиги сир эмас. Зиёрат килинувчи зотлардан баъзилари жисмонан диёримизга келмаган бўлсаларда, уларнинг рамзий зиёратгоҳлари ибратланиш, файз ва намуна олишга манба ҳисобланади. Бу эҳтиром ва ихлос қадрият шаклига айланиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келмоқда.

Таҳлиллар асосида, Ўзбекистон ҳудудида зиёратгоҳлар масаласининг турли жиҳатлари тадқиқи кўриб ўтилган бўлсада, этнограф ва ислом олами мутафаккирларининг маънавий мероси ва турли ғоялари ҳозирги кунга қадар аҳоли ўртасида, айниқса ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти муҳим эканлигини айтиш мумкин.

**Усмонова Хуршида Нигманджановна**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
IRCICA кафедраси 3-босқич мақсадли  
таянч докторанти  
(+998881112328)

## **“РИСОЛАИ ТОҲУРИЯ” АСАРИДА ТАСАВВУФИЙ МАСАЛАЛАР БАЁНИ**

Тасаввуф ислом илмлари орасида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар тасаввуфнинг моҳиятига теран назар ташланса, унда фалсафа, дин, шариат

<sup>1049</sup> Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда "муқаддас" жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. Тошкент: Қизил Ўзбекистон нашриёти. 1963. –Б. 29.

## MUNDARIJA

|                             |   |
|-----------------------------|---|
| U.G‘afurov. So‘zboshi ..... | 3 |
|-----------------------------|---|

## BIRINCHI SHU‘BA

### DINLARARO TOTUVLIK VA BAG‘RIKENGLIK

|                                                                                                                                                                                                                                                                                               |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Н.Юсупова.</b> Радикализмнинг олдини олишда жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг моҳияти .....                                                                                                                                                                                         | 5  |
| <b>Р.Адыгамов.</b> Идея баланса в жизни мусульман как профилактика религиозного экстремизма .....                                                                                                                                                                                             | 9  |
| <b>Б.Ахмедов.</b> X-XI асрларда Яқин Шарқдаги ижтимоий, сиёсий ва илмий вазият .....                                                                                                                                                                                                          | 15 |
| <b>Asep Saepudin Jahar.</b> Harmonizing Faith and Modernity: Insights from Indonesia's Global Engagement (E'tiqod va zamonaviylikni uyg'unlashtirish: Indoneziyaning global tajribasiga nazar).....                                                                                           | 18 |
| <b>Maila Dinia Husni Rahiem.</b> Early Childhood Education In Indonesia: Preparing Children for Success in the Contemporary World (Bugungi kunda maktabgacha ta'lim: musulmon bolalarni zamonaviy dunyoda muvaffaqiyat va hayotga tayyorlash).....                                            | 22 |
| <b>Youssef Ismaili.</b> د. يوسف إسماعيلي. الإيسيسكو ودورها في تعزيز الاهتمام باللغة العربية جسراً للتواصل بين الثقافات في العالم الإسلامي (ICESCO va uning islom olamidagi madaniyatlararo aloqa vositasi bo'lgan arab tiliga qiziqishni rag'batlantirishdagi roli) .....                     | 30 |
| <b>Muhammad Syafiq Borhannuddin.</b> Secularization of Worldview: a Global Problem in Understanding Islam – a Preliminary Treatment (Dunyoqarashni dunyoviylashtirish: islomni tushunishdagi global muammo va birlamchi yechim) .....                                                         | 33 |
| <b>Abdulrahman Obeid Hussein.</b> د. عبد الرحمن عبيد حسين. المنطلقات القرآنية في نقد الحداثة ونبذ الراديكالية الدينية في فكر الشيخ عبد السلام ياسين (Shayx Abdussalom Yosin qarashlarida Qur'ondagi zamonaviy bug'unchiliklar va diniy radikalizmga qarshi tushunchalarning aks etishi) ..... | 38 |
| <b>Shumsudin Yabi.</b> د. شمس الدين يابي. ماليزيا وجهودها في تعزيز خطاب الوسطية (Malayziya va uning mo'tadillikni qo'llab-quvvatlash yo'lidagi harakatlari).....                                                                                                                              | 43 |
| <b>Ahmet Özel.</b> Küresel sistemin islam ve terör oyunu (Global tizimning islom va terror o'yini) .....                                                                                                                                                                                      | 48 |
| <b>Ramazan Altıntaş.</b> Ehl-i sünnete göre tekfir olayi ve neticeleri (Ahli sunnaga ko'ra takfir hodisasi va uning oqibatlar).....                                                                                                                                                           | 56 |
| <b>Muhammad Abdulaziz Mash'al</b> د. محمد عبد العزيز مشعل. وحدة وتعايش لا فرقة (Firqalanish va ekstremizmsiz birdamlikda hayot kechirish: boshqalar bilan muloqotga kirishish haqidagi sof islomiy qarashlar).....                                                                            | 61 |

|                                                                                                                                                                                                                                                         |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Naseem Razi.</b> Women Empowerment from Islamic Perspective: a Critical Analysis of Societies of Pakistan and Uzbekistan (Ayollarning islom nuqtai nazaridan qo‘llab- quvvatlanishi: Pokiston va O‘zbekiston jamiyatlarining tanqidiy tahlili) ..... | 65  |
| <b>Ahmad Saad Damanhuri.</b> أحمد سعد الدمنهوري. وقفات مع محاولات تشويه التراث بذريعة وجود الإسرائيليات (Isroiliyotning borligi bahonasida merosni buzishga urinishlarga barham berish) .....                                                           | 73  |
| <b>Д.Рахимжонов.</b> Мутаассибликка қарши курашда ижтимоий реабилитациянинг ўрни.....                                                                                                                                                                   | 80  |
| <b>Ж.Содиқов.</b> Диний бағрикенгликни таъминлаш ва мутаассибликнинг олдини олишда “Таъвилот аҳли-с-сунна”нинг роли .....                                                                                                                               | 82  |
| <b>У.Жўраев.</b> Германияда экстремизмга қарши курашиш амалиёти таҳлили ...                                                                                                                                                                             | 85  |
| <b>А.Ўктамов.</b> Глобал жамиятда экстремизм ва терроризмнинг барқарор тараққиётга таҳдиди .....                                                                                                                                                        | 89  |
| <b>Н.Мавланов.</b> Ислom – бағрикенглик дини .....                                                                                                                                                                                                      | 95  |
| <b>D.Muminova, G.Raimberdiyeva.</b> Radikal g‘oyalarga qarshi kurash va diniy bag‘rikenglik tamoyilining jamiyat hayotidagi ahamiyati .....                                                                                                             | 101 |
| <b>A.Muxsimova.</b> Islom manbalarida bag‘rikenglik masalasi talqini .....                                                                                                                                                                              | 104 |
| <b>B.Xabibidinov.</b> Zohid Kavariyning mazhabsizlikka qarshi kurashdagi o‘rni ....                                                                                                                                                                     | 107 |
| <b>С.Алимов.</b> Диний экстремистик ва террорчилик ташкилотларнинг ёшларга қаратилган манипулятив таъсирида интернет-технологияларнинг ўрни ҳақидаги назариялар таҳлили .....                                                                           | 110 |
| <b>A.To‘xtanazarov.</b> Islomda aqidaparastlik va jihod tushunchalari: yondashuvlar hamda qarashlar tahlili .....                                                                                                                                       | 117 |
| <b>S.Abdumajidova.</b> Diniy bag‘rikenglik g‘oyalarining qonuniy asoslari .....                                                                                                                                                                         | 123 |
| <b>N.Yusupboyev.</b> Jamiyat hayotida diniy bag‘rikenglikning tutgan o‘rni.....                                                                                                                                                                         | 126 |
| <b>B.Muxtarov.</b> Sof islomiy tushunchalarning g‘arazli maqsadlarda talqin etilishi: jihod tushunchasi.....                                                                                                                                            | 128 |

## IKKINCHI SHU’BA

### KONFESSIYALARARO MULOQOT: O‘TMISH, HOZIR VA KELAJAK

|                                                                                                                                                                                                                        |     |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>С.Агзамходжаев.</b> Динлараро тотувликни мустаҳкамлашда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти .....                                                                                                              | 133 |
| <b>Одинахон Мухаммад Юсуф.</b> Динлараро мулоқотда аёлларнинг ўрни.....                                                                                                                                                | 136 |
| <b>O.Shamshiyev.</b> Modern Islamic Law in Dealing with Artificial Intelligence (Sun’iy intellekt bilan ishlash bo‘yicha zamonaviy islom huquqi) .....                                                                 | 140 |
| <b>Mahmut Samar.</b> Günümüz fıkıh problemlerinin değerlendirilmesinde maslahat ve zaruret ilkelerine eleştirel bir bakış (Zamonaviy fihiy muammolarni baholashda maslahat va zarurat asoslariga tanqidiy nazar) ..... | 147 |
| <b>Ahmet Alkan.</b> Interfaith Harmony and Radicalism in the Perspective of Islamic Law: Evaluation and Strategies (Islom huquqi nuqtai nazarida dinlararo uyg‘unlik va radikalizm: baholash va istiqbollar).....      | 154 |



|                                                                                                                                               |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Sh.Toxtiyev.</b> O‘zbekiston shialarining o‘ziga xos xususiyatlari .....                                                                   | 161 |
| <b>Sh.Jumayev.</b> Farg‘ona viloyatidagi noislomiy diniy tashkilotlarning<br>konfessional manzarasi .....                                     | 166 |
| <b>F.Rashidov.</b> O‘zbekistonda dinlararo totuvlikni ta‘minlashda<br>konfessiyalararo kengash faoliyatining o‘ziga xos jihatlari .....       | 169 |
| <b>M.Mamatxalilova.</b> Farg‘ona vodiysining qadimgi manzilgohlari va madaniy<br>hayot .....                                                  | 172 |
| <b>O.Abdullayev.</b> Ahli kitoblarga bo‘lgan islomdagi muomala .....                                                                          | 175 |
| <b>H.Sadibaqosev.</b> Xitoyda millatlararo munosabatlarni tartibga<br>solish xususiyatlari .....                                              | 179 |
| <b>Sh.Abduraimova.</b> Representing Tolerance in the Digital Age: Prominent Islamic<br>Websites .....                                         | 183 |
| <b>И.Гафурова.</b> Туркистон даврида конфессиялар тарихшунослигига доир ...                                                                   | 185 |
| <b>J.Boboyorov.</b> Islomda dinlararo totuvlikni ta‘minlash<br>va mutaasiblikka qarshi kurash masalalari .....                                | 190 |
| <b>A.Gulshanov.</b> Sog‘lom diniy tafakkurni shakllantirish – barqarorlik omili .....                                                         | 193 |
| <b>M.Djahongirova.</b> Islom sivilizatsiyasida G‘arbning o‘rni.....                                                                           | 196 |
| <b>G.Axmadjonova, A.Raxmatxonov.</b> Jadidlarning maktablarda “Islom tarixi”ni<br>o‘qitishga oid qarashlari.....                              | 202 |
| <b>Л.Абдулкадиров.</b> Марказий Осиё мусулмонларининг<br>ижтимоий-маданий ҳаётида модернизация<br>жараёни (XIX аср охири-XX аср бошлари)..... | 205 |

## UCHINCHI SHU’BA

### ISLOM ILMLARIGA OID TADQIQOTLAR

|                                                                                                                                                 |     |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>З.Исломов.</b> Маҳмуд Замахшарий “ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис”<br>асарининг ҳадисшунослик ривожигаги ўрни .....                                | 210 |
| <b>Д.Махсудов.</b> Ишорий тафсирларнинг ўзига хос хусусиятлари .....                                                                            | 213 |
| <b>Sohail Hanif, I.Bekmirzaev.</b> Legal Tradition in the Mawarannahr<br>Hanafi School (Mavaronnahr hanafiy maktabidagi<br>huquqiy an’ana)..... | 218 |
| <b>А.Мелибоев.</b> “Виқоя” асари ва унинг ҳанафий фикҳида тутган ўрни.....                                                                      | 227 |
| <b>А.Маллабаев.</b> Ҳинд, Араб ва ўзбек тадқиқотчиларининг мусофирлик<br>масофаси борасидаги хулосалари .....                                   | 231 |
| <b>И.Абдурахмонов.</b> Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-Таъвилот” асари<br>ўзига хос хусусиятлари .....                                        | 235 |
| <b>M.Haydarov.</b> Globallashuv jarayonida diniy ixtiloflarni oldini olishda<br>Qur’onshunoslik fanini o‘qitishning ahamiyati .....             | 238 |
| <b>Б.Ахмедов.</b> “Аҳком ал-Қуръон” асарида келган ҳадислар таҳлили.....                                                                        | 241 |
| <b>Т.Хатамов.</b> Занги ота маърифий меросининг тадқиқ этишда академик<br>А.Саидов тадқиқотларининг ўрни.....                                   | 244 |
| <b>Z.Abdujabborova.</b> “Al-Itqon fi ulum al-Qur’on” asarida Qur’on ilmlarining<br>yoritilish uslubi .....                                      | 246 |

|                                                                                                                                                                                              |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>A.Abdurashidov.</b> Imom al-Buxoriy “al-Jome’ as-sahih” asarida fitnalar kitobi tahlili .....                                                                                             | 249 |
| <b>И.Бекмирзаев, М.Гаджиев.</b> “Хидоя” асарининг шархлари.....                                                                                                                              | 252 |
| <b>Д.Бобоназаров.</b> Ҳанафий олимларининг таҳриж илмидаги фаолиятлари...                                                                                                                    | 258 |
| <b>И.Ғофуров.</b> Замонавий музораба шартномаларини ҳал этишда “ал-кифоя фи шарҳи-л-ҳидоя” асарининг аҳамияти .....                                                                          | 262 |
| <b>M.Jalolxonov.</b> Ibn Salohning hadis ilmining rivojiga qo‘shgan hissasi.....                                                                                                             | 266 |
| <b>Ш.Умаралиев.</b> “Фатовои сирожия” асарининг замонавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим беришдаги аҳамияти .....                                                                       | 269 |
| <b>А.Аллоқулов.</b> Мовароуннахрлик муҳаддислар фаолиятини ўрганишда Абу Ҳафс Насафий илмий меросининг ўрни.....                                                                             | 274 |
| <b>F.Abzalova.</b> Mahmud Zamaxshariyning tilshunoslikka oid asarlari .....                                                                                                                  | 277 |
| <b>Ш.Жўраев.</b> Ислом ҳуқуқида давлат ҳудуди масаласи бўйича ёндашувлар таснифи.....                                                                                                        | 281 |
| <b>Ў.Палванов.</b> “Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия” асари қўлёзмалари .....                                                                                                                        | 284 |
| <b>З.Абдуллаев.</b> Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асарида ёритилган мавзулар тавсифи.....                                                                                            | 288 |
| <b>Н.Юлдашев.</b> Тематика контрактов мурабаха и тавлия в классических текстах по ханафитскому мазхабу на примере книги «канзуд-дакаик» Хафизуддина Насафи и их современное применение ..... | 291 |
| <b>Қосим Абдулло.</b> “Ал-Жавҳарату-н-наййира” асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари.....                                                                                                  | 295 |
| <b>N.Hafizov.</b> Abu Hafs Nasafiy “Tilbatut-talaba” asarining fiqhiy istilohlarni tog‘ri tushunishdagi o‘rni .....                                                                          | 298 |
| <b>M.Jaloldinova.</b> Islom huquqida ijtimoiy himoya bilan bog‘liq muammolarni oldini olishda ota-ona va farzandlar o‘zaro ta‘minot majburiyatlarining o‘rni.....                            | 301 |
| <b>M.Raximov.</b> Qur‘oni Karimning mutashobeh oyatlarini tushunishda turli xil aqidaviy qarashlar .....                                                                                     | 304 |
| <b>М.Агзамова.</b> Қуръон илмларини шаклланиши ва ривожланишида соҳага оид асарларнинг илмий аҳамияти .....                                                                                  | 309 |
| <b>D.Mustafayev.</b> Temuriylar davrida Qur‘on ilmlari rivojiga doir mahalliy tadqiqotlar tahlili.....                                                                                       | 312 |
| <b>О.Бахриев.</b> Ҳанафий мазҳабининг ривожланишида Абдулҳай Лакнавийнинг ўрни.....                                                                                                          | 315 |
| <b>О.Сотволдиев.</b> “Ат-Табақот ал-кубро” асарида илк ислом жамиятидаги аёллар тавсифи .....                                                                                                | 317 |
| <b>A.Pardayev.</b> Нусайр ибн Яҳё Балхий ривоят қилган учта машҳур рисола...                                                                                                                 | 322 |
| <b>A.Mustafoev.</b> XX asr Hind diyori olimlarining ulum al-hadis asoslarini takomillashtirishdagi faoliyati tahlili .....                                                                   | 325 |
| <b>M.Rasulova.</b> “Al-Adab al-Mufrad” asarida yoritilgan mavzular va ularning o‘rganilishi .....                                                                                            | 329 |
| <b>R.Maxsumxonov.</b> Abu Hafs Nasafiyning “al-Yavoqit fil Mavoqit” asarida tarixiy ilm markazlarining aks etishi .....                                                                      | 332 |

|                                                                                                                      |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>D.Sultonova.</b> Abu Ja'far ibn Jarir Tabariy – tarix va tafsir ilmi rivojida tutgan o'rnini .....                | 335 |
| <b>S.Abdullayev.</b> Абу Салама Самарқандий ҳаёти ва илмий фаолияти .....                                            | 339 |
| <b>G.To'ychiboyeva.</b> "Views on "Discipline the Nafs" in Abu Khamid G'azzali's book "Ihya ulum ad din" .....       | 341 |
| <b>И.Бекмирзаев.</b> Самарқандда ҳанафийлик мазҳаби ривожини ва унинг ўзига хослиги .....                            | 345 |
| <b>Н.Саидакбарова.</b> XIX-XX асрларда "Сунани Термизий"га ёзилган машхур шарҳлар ва ҳошиялар .....                  | 349 |
| <b>S.Shodmonov.</b> Wahbah al-Zuhayli's Academic Journey - Auto Biographical Note .....                              | 353 |
| <b>S.Abduvaxabova.</b> Imom Tahoviyning "Mushkilul osor"da hadislarini sharhlashga doir uslubi .....                 | 357 |
| <b>N.Nig'matova.</b> Mavlaviy Hindistoniyning ilmiy faoliyati.....                                                   | 361 |
| <b>M.Xoliqov.</b> Nosiriddin Bayzoviyning tafsir ilmiga qo'shgan hissasi .....                                       | 365 |
| <b>N.To'rayev.</b> Mutavotir hadislar borasidagi qarashlar tahlili .....                                             | 369 |
| <b>O'.Palvanov, D.Abdurayimova.</b> Muhammad Zohid Kavsariy hayoti va faoliyati.....                                 | 374 |
| <b>F.Nosirjonov.</b> Fatvo tushunchasi va "Fatavoyi olamgiriya" asarining ahamiyati .....                            | 379 |
| <b>J.Tohirov.</b> Zamonaviy pullarning fiqh'dagi o'rnini .....                                                       | 383 |
| <b>Н.Азизов, З.Умаров.</b> Қадимги ҳинд диний манбаларида ҳуқуқий қоидаларнинг ифодаланиши.....                      | 386 |
| <b>У.Хафизова.</b> Особенности перевода языка исламской религии в теологистике.....                                  | 392 |
| <b>Н.Хакимова.</b> Взаимосвязь кияса с текстом (насс) в исламском праве: различные подходы в юридических школах..... | 395 |
| <b>А.Ганиев.</b> Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садру-ш-шариа илмий меросининг фикҳ илмида тутган ўрни.....                   | 398 |
| <b>Э.Анваров.</b> Муҳаммад Обид Синдий Аюбийнинг ҳанафий фикҳида тутган ўрни.....                                    | 401 |
| <b>Ф.Ҳалимов.</b> Вақф институтларининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти .....                                       | 405 |
| <b>Я.Абдурахманов.</b> Замонавий муаммоларга фатво беришнинг мўътадил йўли .....                                     | 408 |
| <b>M.Begimov.</b> Moliyaviy ibodatlar va soliq o'rtasidagi farqlar.....                                              | 411 |
| <b>З.Зинатуллаев.</b> Сомонийлар давлати ҳукмдорларининг унвонлари .....                                             | 414 |

## **TO'RTINCHI SHU'BA**

### **ISLOM TEOLOGIYASI**

|                                                                                                                                                                                                                                           |     |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Dr. Kemal Yavuz Ataman.</b> Globalleşme devrinde (Sürecinde), Tearuf (Bilme, Tanıma, Tanışma), Muhabbet (Sevgi) ve İslam (Globalizatsiya davrida (jarayon), tearuf (bilish, tan olish, uchrashish), muhabbet (muhabbat) va islom)..... | 417 |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|

|                                                                                                                                                                                                                             |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Ж.Тоҳиров.</b> Мотуридия ақида мактабига оид мовароуннаҳрлик<br>олимлар асарларининг хусусиятлари .....                                                                                                                  | 423 |
| <b>Ж.Абдуқодиров.</b> Зиёратнинг бугунги кундаги аҳамияти .....                                                                                                                                                             | 428 |
| <b>Л.Саидова.</b> Трудности понимания ислама в эпоху глобализации .....                                                                                                                                                     | 432 |
| <b>Х.Ахмедова.</b> “Ал-Ҳикамул атоийя” асарида вақт қадри ва тўғри умр<br>кечириш ҳақидаги ҳикматлар таҳлили .....                                                                                                          | 435 |
| <b>U.Xabibova.</b> “Tarbiya” fanlarini o‘qitishda diniy va umuminsoniy<br>qadriyatlarning ahamiyati .....                                                                                                                   | 439 |
| <b>Н.Нabibullayeva.</b> Tasavvufiy tafsirlarning kelib chiqish tarixi .....                                                                                                                                                 | 441 |
| <b>Қ.Сидиқметов.</b> Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодида имон масаласи .....                                                                                                                                                   | 445 |
| <b>Н.Туйчиева, М.Мирзараимова.</b> Идеологическая основа мистицизма .....                                                                                                                                                   | 449 |
| <b>М.Исмоилов.</b> Темурийлар даврида ёзилган тасаввуфий асарларнинг<br>бугунги кундаги аҳамияти .....                                                                                                                      | 452 |
| <b>А.Равшанов.</b> Муҳаммад Тақий Усманийнинг замонавий-молиявий<br>масалаларга бағишланган асарлари таҳлили .....                                                                                                          | 456 |
| <b>Н.Туйчиева.</b> Ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуфий мавзуларнинг<br>акс этиши .....                                                                                                                                       | 460 |
| <b>G.Qahhorova.</b> Vael Hallaq kitoblardai islom ta'limotlarini talqin qilish<br>uslublari va tahliliy tushunchalarga yondashuv.....                                                                                       | 464 |
| <b>А.Қамбаров.</b> Ислom ҳуқуқида ота-она ва фарзанд муносабатлари .....                                                                                                                                                    | 467 |
| <b>Sh.Ahmedova.</b> Qadimda va bugungi kun nizomlarida ayolning<br>meros olish tartibi .....                                                                                                                                | 471 |
| <b>N.Ibragimova.</b> The establishment of diplomatic relations with Mawarannahr<br>(transoxiana) during the umayyad dynasty<br>(Umaviylar sulolasi davrida Movarounnahr bilan diplomatik<br>aloqalarning o‘rnatilishi)..... | 475 |
| <b>С.Джураева.</b> Ўзбекистонда муқаддас жойларга зиёрат масаласининг<br>тарихий илдизлари.....                                                                                                                             | 479 |
| <b>Х.Усмонова.</b> “Рисолаи Тоҳурия” асарида тасаввуфий масалалар баёни ....                                                                                                                                                | 482 |
| <b>Х.Сағдиев.</b> Ислomда баҳс-тортишувга бўлган муносабат .....                                                                                                                                                            | 487 |
| <b>R.Hamroqulova.</b> Qur’oni karim qissalari – yosh avlodni tarbiyalash<br>vositasi sifatida .....                                                                                                                         | 490 |
| <b>O‘.Palvanov, M.Saminov.</b> Muhammad Zohid Kavsariyning<br>“Mahq at-taqovvuli fi mas’ala at-tavassul” asarida “tavassul”<br>masalasi tahlili .....                                                                       | 493 |
| <b>M.Fozilova.</b> Abul Muin Nasafiyning moturidiya aqidaviy<br>maktabida tutgan o‘rni .....                                                                                                                                | 496 |
| <b>А.Қосимов.</b> “Ас-Саҳоиф ал-илоҳия” асарининг ёзилиш услуби ва унда<br>ақидавий масалаларнинг таснифланиши .....                                                                                                        | 500 |
| <b>J.Anarbaeva.</b> Ilm-fan rivoji: shar’iy ilmlar va aniq fanlar uyg‘unligi .....                                                                                                                                          | 503 |
| <b>М.Отақўзиев.</b> Ислomдаги муқаддас тушунчалар талқини .....                                                                                                                                                             | 507 |
| <b>I.Mamajonov.</b> Islom dinida vatan himoyasi mavzusi.....                                                                                                                                                                | 509 |